

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КОМИЛОВ РЎЗИ РАБИЕВИЧ

**ЎЗБЕК МИЛЛАТИ НИКОҲ МАРОСИМЛАРИНИНГ ГЕНЕЗИСИ ВА
ЭСТЕТИК ЭВОЛЮЦИЯСИ**

09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси (Эстетика)

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy
(PhD) on philosophical sciences**

Комилов Рўзи Рабиевич

Ўзбек миллати никоҳ маросимларининг генезиси ва эстетик

эволюцияси 3

Комилов Рузи Рабиевич

Генезис и эстетическая эволюция брачных обрядов узбекской нации 23

Komilov Ruzi Rabievich

Genesis and aesthetic evolution of the Uzbek national wedding ceremonies 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 49

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КОМИЛОВ РЎЗИ РАБИЕВИЧ

**ЎЗБЕК МИЛЛАТИ НИКОҲ МАРОСИМЛАРИНИНГ ГЕНЕЗИСИ ВА
ЭСТЕТИК ЭВОЛЮЦИЯСИ**

09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси (Эстетика)

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/Fal24 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Самарқанд давлат университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич**
фалсафа фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар: **Карабаев Усман Хасилович**
фалсафа фанлари доктори, профессор

Хусанов Баходир Эргашевич
фалсафа фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Бухоро давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.F.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат ___даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.:(0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№33-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.)

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Б.О.Тўраев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

А.Р.Самадов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, фалсафа фанлари номзоди, доцент

Қ.Н.Назаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда содир бўлаётган глобаллашув жараёнларининг турфа гирдобларига асрлар давомида шаклланган этномаданий ва миллий институтлар, турмуш тарзи, миллий қадриятлар тизими тортилмоқда. Мамлакатлар, халқлар ва одамларнинг экзистенциал борлигини намоён этувчи жамият-оила-инсон муносабатлари тизимига, хусусан, оила-никоҳ институтига глобал жараёнлар, ўзгаришлар зиддияти таъсир ўтказмоқда. Бир томондан, инсониятнинг ўз-ўзини сақлаш, такрор ишлаб чиқариш омили сифатида никоҳ маросимлари ўзининг онтологик ва экзистенциал хусусиятини йўқотмаганлиги, иккинчи томондан эса, бугунги кунда дунёда «иккинчи демографик ўтиш (бифуркация)» деб номланган жараёнлар шароитида расмий никоҳ тузиш сонининг кескин камайиши, бир жинсли никоҳнинг расман қайд этилиши, оилалар конфигурацияси хилма-хиллигининг ортиб бориши каби салбий ҳолатлар бу соҳадаги тадқиқотларнинг долзарблигини билдирмоқда.

Дунё илм-фанида никоҳ маросимларининг генезиси, унинг эволюцияси ва этник ранг-баранглигини тадқиқ этиш туфайли этномаданий, этнографик, этноэстетик тадқиқот йўналишлари ривожланган. Никоҳ маросимлари қадриятларининг трансформацияга учраши, унинг ахлоқий, эстетик моҳиятини фалсафий рефлексиядан ўтказишни талаб қилмоқда. Никоҳ маросимларининг эволюцион хусусияти дунё халқлари маънавий ва эстетик қадриятларининг ривожига ижобий таъсир этса-да, лекин жаҳоннинг аксарият мамлакатларида инсоният бирдамлигини таъминлаш, шахс қадрини мустаҳкамлаш, тенгликни барқарорлаштириш, толерантликни қарор топтиришдан иборат глобал муаммоларнинг ечимини топишда бу институтнинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмапти. Мазкур ҳолатлар никоҳ маросимларини фалсафий-эстетик жиҳатдан тадқиқ этишни долзарб вазифага айлантirmoқда.

Мамлакатимизда оила ва никоҳни мустаҳкамлаш институтидаги фаолиятни янада такомиллаштириш борасида 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида бир қатор йўналишларнинг устуворлиги белгиланди. Хусусан, «...оналик ва болаликни ҳимоялаш, оила институтини қўллаб-қувватлаш»¹, жамиятда репродуктив саломатлик ҳамда демографик ривожланиш, замонавийликка асосланган ўзбек оиласининг жамиятдаги ролини ошириш, оила ва никоҳ маросимлари борасидаги хорижий тажрибага эътибор қаратиш ва амалиётда қатнашиш бўйича миллий илмий-тадқиқот институтлари, жаҳонда тан олинган халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида фундаментал илмий тадқиқотлар олиб боришни долзарб масалага айланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси-ни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон, «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадор-

¹Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд, -Тошкент: Ўзбекистон, 2017. 346-бет.

лигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон ҳамда «Хотинқизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сонли Фармонлари ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» номли устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Никоҳ инсоният пайдо бўлган даврдан бошлаб махсус урф-одат орқали оиланинг бардам ва мустаҳкам бўлишига қаратилган жамоатчилик томонидан нишонланиб, даставвал, одат, кейинчалик ёзма тарзда қонунлаштирилган маросимдир.

Қадим аждодларимиз турмуш тарзида оила ва никоҳ анъаналарининг алоҳида мезонлари кўхна Шарқнинг буюк маънавий ёзма мероси «Авесто» китобида баён қилинган². «Авесто»да айтилишча, зардуштийлар жамоасида оила ва никоҳ муқаддас саналганлиги сабабли кўп хотинлилик жамиятда қатъий ман қилинган ва эркакнинг ҳаётни бўйдоқ яшаши ҳам мумкин бўлмаган.

Аждодларимизнинг эстетик мероси мавзумизни ёритишда муҳим манба сифатида хизмат қилади. Абу Райхон Беруний, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Махмуд Қашғорий, Кайковус, Юсуф Хос Хожиб, Алишер Навоий каби алломалар жамиятда оиланинг келиб чиқишида ахлоқий-эстетик омилларга алоҳида эътибор қаратганлар.

Хорижлик олимлар Р.Шинвари, Г.Гадамер, К.Леви-Стросс, А.Тойнби, З.Фрейд, Ф.Ницше, Й.Хайзингалар никоҳнинг келиб чиқиши, унинг урф-одат ва халқларнинг турмуш тарзи билан боғлиқ айрим этноэстетик жараёнларни тадқиқ этганлар. Уларнинг илмий қарашларида этноэстетик хусусиятлар никоҳни объектив баҳолаш учун назарий асос вазифасини бажаради.

МДХ мамлакатлари олимларидан Ю.Б.Борев, Л.Н.Гумилёв, С.Н.Иконникова, М.С.Каган, Л.Н.Коган, Д.С.Лихачевлар мавзуга оид турли йўналишларда тадқиқот олиб борганлар. Улардан Л.Н.Гумилёвнинг қадимги турк қабилаларининг Осиё цивилизациясини шакллантиришдаги оила ва никоҳ масаласига доир изланишлари бошқалардан ажралиб туради³.

Никоҳ тушунчасига нисбатан бугунги кунда этнологик, этнографик, ҳуқуқий, социологик, ижтимоий-психологик ва фалсафий-ахлоқий нуқтаи назардан ёндашувлар мавжуд. Никоҳ маросимларига алоҳида эстетик объект ва тадқиқот предмети сифатида мурожаат қилинмагани сабабли, бу борадаги

²Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. –Тошкент: Шарқ, 2001. 224-бет.

³Бу муалифларнинг илмий ишлари диссертациянинг “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати”да кўрсатилган.

изланишлар фалсафий, ахлоқий қарашлар билан биргаликда олиб борилган. Бу эса никоҳ маросимларини эстетик тадқиқот муаммоси ва мавзунинг предмети сифатида назарий талқин қилиш ва асослашга ҳаракат қилишимизга имконият яратади.

Маълумки, никоҳнинг турлари ҳақида ҳар хил қарашлар мавжуд. Бу қарашлар никоҳнинг таркиби, шарти, муддати ва мазмун-моҳиятига асосланган. Масалан, ҳиндистонлик тадқиқотчи Реҳим Шунвари никоҳнинг 14 турини ажратиб кўрсатган⁴ бўлса, тадқиқотчи З.Расулова ўзбекларда қадимдан никоҳнинг бир неча тури мавжуд бўлганлигини айтиб ўтади⁵.

Ўзбек никоҳ маросимларининг генезиси хусусида илк ибтидоий белгилар, магик маросимлар, табиат ва жамият муносабатлари асосида шаклланган урф-одатлар сифатида талқин этилган этномаданий, этнологик йўналишлардаги ишлар мавжуд⁶. Уларда ўзбек никоҳ маросимларининг эстетик жиҳатлари эволюцияси ҳақида маълумотлар кам. Ўзбек никоҳ маросимларининг ахлоқий-эстетик ва диний тамойиллар билан боғлиқ жиҳатлари бир қатор диний манбаларда, ҳадисларда изоҳланган.

Жаҳонда барча миллатларнинг, қолаверса, ўзбекларнинг маънавий-руҳий қиёфаси, тарихан шаклланган миллий менталитети доирасида этник, ҳудудий, табиий муҳит шакллангани сабабли, жамиятда вужудга келаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, тарихий ҳодисаларга бўлган муносабати ҳам турлича бўлиши, шубҳасиз. Ўзбек никоҳ маросимларининг миллий менталитет асосида шаклланганлиги, унинг табиий географик ўрнашуви, ўзаро этномаданий, симбиоз ҳаракатлар, ассимиляция жараёнлари, диний мансубликлар асосида тадқиқ этилган ишлар мавжудки, улардан мазкур тадқиқотда этномаданий, эстетик илк манбалар сифатида фойдаланишга замин бўлди.

Кейинги пайтларда эстетика илми соҳасида В.Алимасов, Б.Ҳусанов, О.Ғайбуллаев, О.Нишонова, Ғ.Нажимов, Т.Махмудов, У.Қорабоев, М.Нурматова, Маҳмуд Саттор⁷ каби олимлар яратган тадқиқотларда ўзбек никоҳ маросимларига қисман тўхталиб ўтилиб, улар шахс эстетик маданияти, этноэстетик маданият, фалсафий қарашлар предмети, урф-одатлар жамланмаси сифатида таҳлил этганлар. Лекин юқорида қайд этилган ишларда ўзбек никоҳ маросимлари эстетик категорияларнинг намоён бўлиши масалалари кўтариб чиқилмаган.

Мамлакатимизда оила ва никоҳ маросимлари долзарб ижтимоий-сиёсий муаммо сифатида таъкидланаётган экан, бу муаммолар замирида

⁴Rahim Shinwary. Concept of marriage. <https://hubpages.com/relationships/Concept-of-Marriage>.

⁵ Расулова З. А. Тошкент шаҳри ўзбекларининг оила-никоҳ муносабатлари (XX аср охири – XXI аср бошлари). Тарих. фан. номз... автореф. –Т., 2009. 15-бет.

⁶Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. –Т., Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти...; Маҳмуд Қошғарий. Девони луғатит турк. –Т., 1963; Норбўтаев П. “Алпомиш” дostonидаги никоҳ шартлари тарихидан лавҳалар// <http://ich.uz/uz/materials/articles-books/415-article-1>. И.М.Жабборов. Ўзбек халқ этнографияси. –Т.: 1994. 226-бет.

⁷Алимасов В. Фалсафа ёхуд фикрлаш санъати. – Тошкент: NOSHIR, 2008. 255-бет; Ғайбуллаев О. Шахс маънавий камолоти ва эстетик маданият. –Тошкент: CHASHMA PRINT, 2008. -159 бет; Нишонова О. Ўзбек этномаданиятининг эстетик моҳияти ва функциялари. фал. фан. док... дисс. –Т.: 2016;Қарабаев У. Этнокультура (Традиционная народная культура). –Ташкент: Шарқ, 2005. -239 с.; Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари. –Т., Шарқ, 2002. -239 б.; Маҳмуд Саттор. Ўзбек удумлари. –Тошкент: Чўлпон, 2007. 192-бет.

инсонларнинг фалсафий, эстетик билими сусайиб бораётганлиги, эстетик дид пасайиб, оила, никоҳ муносабатлари императивлигини ҳис этмаслик ҳолатлари мавжудлиги, фарзанд тарбиялашдек инсоний бурчдан четлашиш сингари девиантлик хислатлари кўпайиб бораётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Ўзбек никоҳ маросимларининг эстетик эволюциясини бугунги кунда фуқаролик жамияти талаблари асосида ўрганиш, соғлом авлодни тарбиялашда назарий-методологик асос ва амалий зарурат сифатида мақсадга мувофиқдир.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Самарқанд давлат университетиде «Фуқаролик жамияти ривожланишининг сиёсий, маданий, мафкуравий муаммолари: илмий ва амалий жиҳатлари» номли илмий лойиҳа асосида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Миллий ўзбек никоҳ маросимларининг генезиси ва эстетик эволюциясини эстетик категориялари тизими асосида ўрганиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

никоҳ маросимлари ривожланишининг генезисини онтологик ва аксиологик жиҳатларини таҳлил қилиш;

ўзбек никоҳ маросимларининг ментал хусусиятлари ва эволюцион даврларини тадқиқ этиш;

никоҳ маросимларини ахлоқий-эстетик ва диний манбаларда асосланишини таҳлил қилиш;

ўзбек никоҳ маросимларининг соғлом турмуш тарзи эстетикасидаги ўрни ва алоҳида функцияларини кўрсатиб бериш;

Ўзбекистонда инновацион трансформация таъсирига тушган никоҳ маросимларининг эстетик ривожланиш динамикасини аниқлаш;

ўзбек никоҳ маросимларининг ривожланиши шароитида ахлоқий ва эстетик симбиоз белгиларини бир вақтда такомиллаштиришни аниқлаш;

фуқаролик жамиятининг ривожланиши шароитида ўзбек миллий никоҳ маросимларини эстетик қадриятга айлантириш вазифалари ва истиқболларини илмий асослаш.

Тадқиқотнинг объекти ўзбек никоҳ маросимлари ва унинг эстетик эволюцияси.

Тадқиқотнинг предмети ўзбек никоҳ маросимларининг эстетик эволюцияси доирасида унинг трансформацион, инновацион, эстетик ҳолатларини тадқиқ этиш.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда тарихийлик ва мантиқийлик, анализ ва синтез, комплекс ва тизимли ёндашув, контент анализ, тизимли таҳлил, социологик сўровнома, индукция ва дедукция каби усуллар ва воситалар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзбек никоҳ маросимларининг эволюция даврлари, унга таъсир ўтказган оилавий бирдамлик, бағрикенглик, совчилик каби миллий ментал

хусусиятлар ва репродуктив, этномаданий, эвдоманистик сингари этноэстетик белгилари илмий асосланган;

ўзбек никоҳ маросимларининг шахс ахлоқий-эстетик маданиятини ривожлантириши ахлоқий покизалик, фориғланиш, эстетиклик категориялари орқали очиб берилган;

никоҳ маросимларининг генезисида регламентловчи, бошқарувчи, коммуникатив, ижтимоий-императивлик, рекреативлик, ички гўзаллик каби имманент белгилар аниқланган;

ўзбек никоҳ маросимларининг жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга хизмат қилувчи валеологик, фелицитологик, релаксация, бадий композиция каби эстетик функциялари кўрсатиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси: ўзбек никоҳ маросимларининг эстетик моҳияти ва функциялари, унинг эволюцион, трансформацион ва инновацион хусусиятга эга жараён эканлиги назарий, методологик ва амалий хулосаларда умумлаштирилган ҳамда конкретлаштирилган;

ўзбек никоҳ маросимларининг покланиш, фориғланиш сингари ахлоқий ва эстетик категорияларнинг шаклланиши ва ривожланишида катта аҳамият касб этиши, фуқаролик жамияти талабларига кўра ўзбек никоҳ маросимлари этноэстетик, соғлом турмуш тарзи эстетикаси сифатида такомиллашиб бориши юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тадқиқотни амалга оширишдаги илмий усуллар, назарий маълумотларнинг расмий манбалар асосида ишончли далилларга таянилганлиги халқаро ва республика миқёсдаги илмий конференциялар тўпламлари, ОАК рўйхатида бўлган махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, таклиф ва хулоса, ишлаб чиқилган тавсияларнинг жорий этилиши, олинган натижаларининг тегишли ташкилотлар томонидан тасдиқланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертацияда ишлаб чиқилган ахлоқий-эстетик ғоялардан, умумназарий хулосалардан ахлоқшунослик, эстетика, этномаданият, турмуш эстетикаси бўйича ўтказиладиган фалсафий тадқиқотларда, турли хил илмий ва амалий тадбирларда фойдаланиш мумкин. Илмий натижа ва хулосалардан фалсафа, эстетика, ахлоқшунослик, этномаданият, ёшлар социологияси фанлари бўйича дарслик, ўқув қўлланма, услубий тавсиялар тайёрлашда, миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими бакалавр таълим йўналиши ва 5А120503 - Этика ва эстетика магистратура йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлайдиган университет ҳамда институтларда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан ёшлар муаммоси билан шуғулланувчи ташкилотлар «Ёшлар иттифоқи»нинг, шунингдек, оилаларни мустаҳкамлаш ишлари билан шуғулланувчи «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази ва унинг ҳудудий бошқармаларининг тарғиб этувчи маданий-маърифий дастурларида, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида мавжуд миллий маданият марказларида, маҳаллалар, таълим-тарбия

даргоҳлари, ижодий уюшмалар, ассоциациялар ўз амалий фаолиятларида фойдаланишлари мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек миллати оила ва никоҳ маросимларининг жамият ривожланишидаги ўрни, генезиси ва эстетик эволюцияси бўйича ишлаб чиқилган амалий таклифлар асосида:

ўзбек никоҳ маросимларининг диний-фалсафий, ахлоқий-эстетик моҳиятини ягона покланиш–форигланиш категориясига мужассамлаштирадиган имманент белгилари ва эмпирик-социологик тадқиқотларининг далиллари, натижалари ва таклифларидан «Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси» фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси «Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси» сиёсий кенгаши ижроия кўмитасининг 2018 йил 25 июндаги 02-01-284-сон маълумотномаси). Мазкур йўналишдаги илмий хулоса ва амалий тавсияларнинг ушбу партия фаолиятида қўлланилиши улар томонидан ўтказилаётган оила ва никоҳ соҳасидаги маънавий-маданий тадбирлар салоҳиятининг кўтарилишига хизмат қилиб, янги қурилаётган оилаларнинг мустақкам бўлишига хизмат қилган;

ўзбек никоҳ маросимларининг фуқаролик жамияти институтларига горизонтал таъсири остида соғлом турмуш тарзи эстетикасининг ривожланиши, замонавий фан ва маданият ютуқлари билан перманент боғланиб, бир қатор эстетикалаштирувчи функцияларни бажариши борасидаги таклиф ва тавсиялар тадбирлар дастурига киритилган (Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий Кенгашининг 2018 йил 23 ноябрдаги 04-13/6099 - сонли маълумотномаси). Мазкур йўналишдаги илмий хулосаларда кўтарилган концептул ғоялар ва умумлашмалар мамлакатимиз ёшларининг Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлигини амалга оширишда жонбозлик кўрсатишга ва маълум даражада маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини юксалтиришга олиб келган;

никоҳ ва никоҳ маросимлари тушунчаларининг умумэстетик моҳияти, ўзбек никоҳ маросимларининг эволюция даврлари, унга таъсир ўтказган ментал хусусиятлар, этноэстетик белгиларининг илмий асослари ҳақидаги хулоса ва тавсиялардан ёшларни оила ва никоҳга тайёрлашда «Оила» илмий-амалий тадқиқот марказида фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот марказининг 2018 йил 20 ноябрдаги 836 - сонли маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази фаолиятида амалиётга жорий этилиши ёшлар онгида соғлом турмуш тарзи, оила ва никоҳ масалаларига доир тасаввур ва билимлар шаклланишига ҳамда уларнинг ролини оширишга хизмат қилган;

ўзбек никоҳ маросимларининг эволюция даврлари, унга таъсир ўтказган оилавий бирдамлик, бағрикенглик, совчилик каби ментал хусусиятлар ва никоҳ маросимларининг генезиси бўлган регламентловчи, бошқарувчи, коммуникатив, ижтимоий-императивлик, рекреативлик каби имманент белгиларининг жамиятдаги ўрни борасидаги натижалардан ёшларнинг маънавий оламини бойитишда фойдаланган. (Республика маънавият ва

маърифат кенгаши республика маънавият ва маърифат марказининг 2019 йил 5 мартдаги 02/011-257-19-сонли маълумотномаси). Ушбу натижалар ёшларни оила ва никоҳга нисбатан янгича билим ва ғояларининг ривожланишига ҳамда ёш никоҳдан ўтувчиларнинг камайишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 17 та, жумладан, 2 та халқаро ва 15 та илмий-амалий конференцияларида маърузалар кўринишида баён этилган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, 1 таси хорижий ва 6 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, 8 та параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олган. Диссертациянинг ҳажми 144 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўзбек миллий никоҳ маросимларининг эволюцияси – эстетик тадқиқот объекти сифатида**» деб номланган биринчи боби уч қисмдан иборат. Ушбу бобнинг «Никоҳ: ахлоқий-эстетик моҳияти, таснифи ва функциялари» деб номланган биринчи параграфида «никоҳ» ва «никоҳ маросими» тушунчасининг структуравий семантик таҳлили, никоҳнинг ахлоқий-эстетик моҳияти, таснифи, функциялари, ўзбек миллий никоҳ маросимларининг генезиси, диний, ахлоқий-эстетик ривожланиш хусусиятлари, мустақиллик йилларида ўзбек миллий никоҳ маросимларининг трансформацион хусусиятлари ва эстетик эволюцияси тадқиқ этилган. Жамият ва инсон муносабатларининг ичида никоҳчалик таъсир кўрсата оладиган институт ёки тартибот йўқ. Ҳар қанақа давлатнинг тинчлиги эса эрхотинлик никоҳи қонунларининг баркамоллигига боғлиқ. Улар жамоат осойишталигига, тинчлигига ва шахсий ҳуқуқ ва мулкка таъсир кўрсатадилар, ҳатто қадимда салтанат, тахт ишлари ҳам никоҳга боғлиқ ҳолда ривожланган. Шу маънода никоҳ – икки қарама-қарши жинс ёки кишилар ўртасида вужудга келадиган иттифоқ бўлиб, у ўзида ахлоқий императивлар, эстетик туйғулар ва ҳуқуқий меъёрларни жамлайдиган маросимлар мажмуасидир.

Никоҳ маросимлари кишиларга ҳаётда маълум ахлоқий-эстетик тамойиллар асосида яшашга, ижтимоий муносабатларга тизимли, институционал ёндашишга олиб келган. Никоҳ маросимлари инсоннинг реал эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ўз-ўзини сақлаш, ўз-ўзини кўпайтириш, шахсни ривожлантиришни таъминлаш, ўз мулкни кўпайтириш ва сақлаш, ўз ҳиссиёти ва туйғуларини рўёбга чиқариш эҳтиёжи ва тамойилларга таянган ҳолда ижтимоий тартиботни юзага келтирган. Инсониятнинг энг қадимги ҳаётидан то ҳозирги ривожланган жамиятларгача бўлган даврда никоҳ маросимлари инсонларнинг жинсий ҳаётини, қариндошлик муносабатларини тартибга солиб турган, оилавий муносабатларни мустаҳкамлаб турган ахлоқий-эстетик воқеликдир. Авторефератда ўзбек никоҳ маросимлари эволюциясининг хусусиятидан келиб чиқиб қуйидагича даврлаштирилган:

1) диний-мифологик даври. Бу давр Марказий Осиё ҳудудида яшаган инсонларнинг “Авесто”гача ва у билан боғлиқ бўлган никоҳга доир қарашларини қамраб олади. Бунда ментал хусусиятни акс эттирган совчиликнинг пайдо бўлиши ўзига хос эркин эстетик воқеликнинг шаклланишига олиб келган; 2) қадриятлар симбиозлашган даври. Бунда миллий ва исломий қадриятларнинг бир-бири билан уйғунлашиши, исломий регламентлар, императивлар ва миллий қадриятлар симбиоз ҳолатга келган; 3) экзогам ва эндогам даври. Бу давр X-XIX асрларни ўз ичига олган бўлиб, сорарат никоҳ, левират никоҳ, арранж никоҳ ва севги никоҳ турларини шаклланиши билан характерланади. Никоҳ муносабатларини ранг-баранглиги ўзбек маросимларида эстетик воқеликни юзага келтирган; 4) никоҳ муносабатларини институционаллашув даври. Бу ерда XX-XXI асрлар ижтимоий-сиёсий муносабатларни ривожланиши натижасида никоҳ ёшига нисбатан регламентни белгиланиши, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш, оила билан шуғулланувчи махсус давлат ва нодавлат ташкилотларининг вужудга келиши билан характерланади.

Барча миллат ва элатларда, хусусан, ўзбекларда икки қарма-қарши жинс вакиллари оила қуриши билан туғилган фарзандларини оилали бўлишига ва келажакдаги бўладиган муқаррар никоҳга тайёргарлик кўра бошлашади. Никоҳ маросими инсонга оилали бўлиш, меҳнат қобилияти, ишчи кучи, мулкка эгаллик ҳуқуқидек имкониятларни бериб келмоқда. Никоҳнинг натижаси оила эса инсон учун меҳнат қобилиятини тиклаш ва дам олиш жойидир. Никоҳ инсон ва жамиятга нисбатан бир қанча функцияларни бажаради. Чунки никоҳ кишилараро қариндошлик муносабатини тикловчи, янги авлодни яратувчи, жамият учун янги ҳужайра – оилани вужудга келтирувчи, табиатан икки қарма-қарши жинс вакилларини бир-бирига эҳтиросли яқинлигини ахлоқий ва эстетик жиҳатдан қуршалган тарзда намоён қилувчи, давлатлараро сиёсий-дипломатик муносабатларни тартибга солувчи функцияларини ўтаб келган.

Бобнинг «Ўзбек миллий никоҳ маросимларининг генезиси, диний, ахлоқий-эстетик эволюцияси хусусиятлари» деб номланган иккинчи параграфида ўзбек никоҳ маросимлари ва оиласининг дунёдаги бошқа халқлар оилаларига ўхшаш томонлари кўплиги, никоҳ маросимларининг

генезисида диний-мифологик тамойиллар, ақидалар ва регламентлар мавжудлиги, буларнинг миллий никоҳ маросимларида яққол намоён бўлиши тадқиқ қилинган. Дастлаб Зардуштийлик дини ақидалари, кейинчалик ислом дини ақидалари асосида эволюцион тараққий этган миллий никоҳ маросимларида ўзак қисми сақланиб, унда никоҳ маросимларини генезиси акс этган бўлади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ўзбек миллий никоҳ маросимлари ўзининг эстетик кўринишлари айнан ўзак қисмида ва уни ўраб турган «сирт» қисмида жамланган. Чунки ўзбек никоҳ маросимлари хурсандчиликка – тўйга асосланган, унда шодиёналик, кўтаринкилик кайфияти, ҳис-туйғулар намоён бўлади. Никоҳ ёшлик, гўзаллик, келажакка яхши умид ва эзгу орзулар рамзи сифатида ўтказиладиган ажойиб оилавий байрамдир. Ғоят гўзал бўлган бу маросим барча хилдаги халқ санъати, ашула, рақс билан ўтказилади. У аслида асрлар оша синовдан ўтган, моҳиятан чуқур ўйланган, миллий асосда нишонланадиган маросим ҳисоблансада, ҳар бир даврда такомиллашиб, муттасил бойиб келган.

Ўзбек халқининг миллий никоҳ маросимларини ўтказиш ҳар бир ҳудуд, ҳар бир хонадон учун қадимдан шаклланиб келган урф-одат ва маросимлар асосида янгидан қурилаётган оила учун маънавий қадриятлар ўчоғи саналади. Бундай ҳаётбахш ахлоқий ва эстетик қиёфани ўзида мужассам этган никоҳ жараёнлари доимо халқимизнинг келажак авлодлари дунёга келиши учун хизмат қиладиган юксак миллий тараққиёт мезонларига йўл очади. Шундай экан, биз ўзбек халқининг қадимий ва замонавий маънавий қадриятларининг уйғунлигига эътиборимизни қаратишимиз, уларнинг ҳаётбахшлиги, давомийлиги ва узлуксизлигини таъминлашда ҳамиша огоҳлик ва ҳушёрлик билан ёшларни камолот сари чорлашимиз даркор. Никоҳ маросимлари Ўзбекистоннинг турли ҳудудида бир-биридан фарқ қиладиган, ўзига хос гўзал эстетик қадриятларни намоён этадиган этноэстетик воқеликдир. Шунинг билан бирга никоҳ маросимлари асли архаик жамиятларда вужудга келган бўлсада ўзида миллий ва умуминсоний қадриятларни мужассамлаштирган ажойиб маросимлардан иборат бўлиб, буларда барча миллатлар учун зарур ахлоқий ва эстетик ҳис-туйғулар ўз ифодасини топган.

Инсоният тарихидан маълумки, никоҳ асосида барпо этилган оила қанча соғлом, бутун ва мустаҳкам бўлса, давлат ва жамият ҳам шунча соғлом, тинч ва фаровон ривожланаверади. Шу сабабдан ҳам ўзбек миллий никоҳ маросимлари азалдан ўзига хос ахлоқий тарбия ва гўзал эстетик жиҳатлари билан юксалиб келмоқдаки, буни албатта оилаларнинг мустаҳкам бўлишига қаратилгандир. Бу урф-одатлар кенг жамоатчилик томонидан доимо нишонланиб келиниб, даставвал одат сифатида, кейинчалик ёзма тарзда қонунлаштириб қўйилган маросимлардир. Ўзбек халқининг миллий никоҳ маросимлари ўз эстетик эволюцион тараққиётига эга бўлиб, ундаги урф-одат, таомиллар замонавий, диний мансубликка қараб мазмун-моҳиятига кўра бойиб борган.

Бундай ҳаётбахш ахлоқий ва эстетик қиёфани ўзида мужассам этган никоҳ жараёнлари доимо халқимизнинг келажак авлодлари дунёга келиши учун хизмат қиладиган юксак миллий тараққиёт мезонларига йўл очади.

Демак, биз ўзбек халқининг қадимий ва замонавий маънавий қадриятларининг уйғунлигига эътиборимизни қаратишимиз, уларнинг ҳаётбахшлиги, давомийлиги ва узлуксизлигини таъминлашда ҳамиша огоҳлик ва ҳушёрлик билан ёшларни камолот сари чорлашимиз даркор, дейишимизга барча асос бор. Буни социологик тадқиқотларда кўриш мумкин. Никоҳ маросими ислом динига қанчалик боғлиқлиги бўйича бир гуруҳ респондентларга “Оила қуриш учун никоҳдан ўтиш зарурми?”, деб мурожаат қилинди. Олинган натижалар ўзбекларда оилали бўлиш жуда муҳимлигини яна бир бор тасдиқлади (86%). Оила деганда эса, ўзбек халқи никоҳда бўлишни назарда тутди. Бунда аёлларнинг жавоби (42,5%) эркекларникига (36,2%) нисбатан устунлик қилди. Бунга асосий сабаб сифатида ислом динини кўрсатиш мумкин. Кўпчилик никоҳ ўқитмасдан туриб оила қуришни гуноҳ, деб билишларини тасдиқладилар (умумий – 32%; аёллар – 31%; эркеклар – 37,5%). Ўзбек оилаларида ислом динининг ўрни катталигини инобатга олган ҳолда никоҳни ва умуман, оилани дин билан ҳамоҳанг таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Жамиятнинг барча бўғинларида миллий ва маънавий қадриятлар ўзининг мафкуравий кўринишларини аждоқларимиз яратган юксак ахлоқий ва эстетик идеаллар билан намоён эта бошлади. Айниқса, тарихан шаклланган ва инсониятга хизмат қилган қадриятларимиз орасида никоҳ маросимлари ўз эркинлиги, севги муҳаббатга дахлдорлиги туфайли ранг-баранг ривожланди. Никоҳ маросимларини намоён қилиш оммавий байрамларда, фольклор санъатда намоён бўла бошлади. Замонавий никоҳ маросимлари янгилик деб турли иллатларни ҳам ривожлантирдик, у миллий қадриятларга бироз соя солиб қўйди. Шундай экан, диссертантнинг фикрича миллий қадриятларни асл ҳолича ривожлантиришда аниқ регламентлар жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу бобнинг учинчи параграфи «Мустақиллик йилларида ўзбек миллий никоҳ маросимларининг трансформацион хусусиятлари ва эстетик ривожланиши» деб номланади. Унда ҳар бир давлатда соғлом ахлоқли, руҳий етук, маънавиятли ва маърифатли ёшларни тарбиялаш, унинг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш, айниқса, миллий никоҳ маросимларини қадрлаш масаласи муҳим аҳамият касб этиши кўриб чиқилган. Бу йўлда жаҳон халқлари ўзларининг ўзига хос бўлган урф-одатлари, қадриятларини келажак авлод онгу-тафаккурига сингдиришга доимо миллий қадриятлар асосида эътиборини қаратиб келганлар. Бизнинг юртимизда эса бу ишда аввало оила, мактабгача таълим муассасалари, мактаб ва маҳалланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Мамлакатнинг келажаги бўлмиш ёшларнинг дунёқараши, эътиқоди ва характери даставвал оилада шаклланишини ҳисобга олиб, давлатимиз оилага доир ҳуқуқий-меъорий ҳужжатларда бу масалага алоҳида муносабат билдириб келмоқдалар. Шу сабаб азалдан оиланинг фаровонлигига алоҳида эътибор бериб келинган.

Шуни алоҳида айтиш жоизки, никоҳ бу – соғлом турмуш тарзи эстетикаси сифатида рўёбга чиқиб, кундалик маиший ҳаётимизнинг эстетиклаштириш, юксак эстетик дидни шакллантириш омили сифатида

майдонга чикмоқда. Бунга сабаб никоҳ муносабатларини трансформацияга учраётганидир. Никоҳ маросимларини ядроси – асл моҳияти сақланиб, уни кўпроқ соғлом муносабатлар никоҳи – соғлом оила – соғлом бола – эстетик воқелик (масалан, дам олиш, тантана) сифатида ривожлантирилмоқда. Оила муҳити – бу оила аъзоларининг ўзаро юксак ахлоқий муносабатларининг йиғиндиси ва катталарнинг ижобий таъсир кўрсатиш намунаси натижаси бўлиб, катта ёшдаги кишиларнинг ҳар тарафлама олиб борган тарбиявий иши натижасидир. Соғлом, ўзаро манфаатли никоҳ қариндошлик муносабатларининг шаклланишига, узоқ қариндошлик ришталари бир-бирига боғланган, оила қариндошлари, яъни уларнинг барчасини, ҳаёт бўлганларни, вафот этганларни, узоқ ва яқинларни, маълум ва номаълумларни бирлаштиради. Никоҳ ўз моҳиятига кўра конструктив бўлиб, жамиятда кишиларни этник бирлаштиради, янги қариндошларни юзага келтиради, миллатлар, элатлар ўртасида илиқлик муносабатини шакллантиради.

Никоҳ ўз моҳиятига кўра эстетик воқелик бўлиб, у арслар оша ўз моҳиятини яъни тантана, маросим, дам олиш, дийдор кўришиш сингари вазифаларни бажариб, соғлом насл сингари магик-афсонавий, мифологик-этномаданий эътиқодларни шакллантирган, қиз йигитни синаши (*камондан ўқ узиш, кунда ёрдириш*), йигит қизни синаши (*аёллар қизни рўзгорини, маиший ҳаётда гўзал одатлари, чеварлиги, пазандалиги, покизалигини синаши*) каби қизқарли, завқли муҳитини юзага келтириши билан эстетиклашиб борган.

Никоҳ маросимлари трансформацион ҳолатлар таъсирида қуйидаги омилларни юзага келтирган: *биринчидан*, никоҳдан ўтиш оилани мустаҳкамлаш, турмушни эстетикалаштириш; *иккинчидан*, оилавий муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч ва ҳурмат, ҳамжихатлик, бир-бирига ёрдам бериш сингари гўзалликдан завқланиш муҳитини яратиш; *учинчидан*, маҳалла-кўйнинг, катта оиланинг олдида ўз бокиралигини намоён қилиш ва маросимлар асосида фориғланиш; *тўртинчидан*, катта ёшдагиларнинг масъуллиги ҳисси асосида никоҳланиш; *бешинчидан*, бирон-бир шахснинг оила масалаларига ўзбошимчалик билан аралашшига йўл қўймаслик, оила аъзолари ўз ҳуқуқларини бирон тўсқинликсиз амалга оширишни ҳамда бу ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборатдир. Шу боис амалдаги оила қонунчилигини никоҳнинг шаклига, яъни уни давлатнинг тегишли органлари томонидан расмийлаштирилишига алоҳида эътибор беради.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Оила – никоҳ муносабатларининг миллий хусусияти ва унинг эстетик категорияларда ифодаланиши**» деб номланган. Ушбу бобнинг «Миллий менталитет ва оила-никоҳ маросимларининг ўзаро алоқадорлиги» деб номланган биринчи параграфида миллий менталитет ва оила-никоҳ маросимларининг ўзаро алоқадорлиги, никоҳ маросимларининг покланиш жараёни сифатида исломий қадриятларда асосланиши, никоҳ маросимларининг соғлом турмуш эстетикасида намоён бўлиш хусусиятлари ўрганилади.

Ўзбек миллий никоҳ маросимлари бой тарихий-маданий мерос сифатида менталитетни, миллий қиёфани, миллий тафаккур тарзини этник жиҳатдан кучли шаклланишида конструктив аҳамият касб этган. Этномаданиятнинг ранг-баранглиги, тил, санъат, адабиёт, табиий яшаб турган муҳитига мослашиш, уйғунлашиш, никоҳ ва табиий кўпайишга қадрият нуқтаи назаридан қараш, миллий урф-одат, анъана, таомил ва никоҳ маросимларига, миллий мавсумий байрамларга миллатнинг менталитети сифатида қараш намоён бўлиб келган. Ўзбек миллатининг ўтроқ ва кўчманчиликка асосланган дастлабки ва кейинги ҳаёти натижасида шаклланган никоҳ маросимлари, дашт ва ўтроқ никоҳ турларининг уйғунлашишига олиб келган. Худудни назорат қилиш, уруғни назорат қилиш, душманни ичкарига киритмаслик, дўстликни мустаҳкамлаш сингари сиёсий дипломатиянинг қадимий кўринишлари никоҳнинг хилма-хиллашувига олиб келган. Ҳозирги кундаги анъанавий никоҳ маросимларида ўша давр турмуш тарзининг элементлари бўлмиш ахлоқий, эстетик қадриятлар сақланиб қолган. Тарихий маконда кетма-кет содир бўлган босқинчилик урушлари, савдо йўлларининг глобаллашуви, ҳокимиятлар алмашинуви, диний маданиятнинг таъсири натижасида никоҳ маросимлари ўз ахлоқий моҳиятини мустаҳкамлаб борган, динлар никоҳ маросимларида диний-амалиёт сифатида ўз ўрнига эга бўлиб келган. Ўзбек менталитетида сақланиб қолган хулқ-атвор белгилари, никоҳ ва оиланинг муқаддас саналиши шу икки жабҳанинг конструктив таъсири натижасидир.

Шаклланган қадриятлар ўзбек халқи никоҳ ва оила муносабатларига янгича йўналиш, гўзал анъаналарни бахш этган. Ислом дини қадриятлари миллий маросимларга тўсиқ қўймасдан, унинг янада ривожланиши учун шарт-шароитлар яратган. Ушбу диний-маънавий қадриятлардаги инсонпарварлик, миллатпарварлик, ўзаро аҳил яшаш, покдиллик, меҳнатсеварлик каби ахлоқий-эстетик фазилатлар ўзбек халқининг этномаданий ўзига хослигини сақлаб қолишда катта аҳамиятга эгадир. Бобнинг «Никоҳ маросимларининг покланиш жараёни сифатида исломий қадриятларда асосланиши» деб номланган иккинчи параграфида никоҳ ва оила муносабатлари «поклик» категорияси нуқтаи назаридан кўриб чиқилган. Асрлар давомида шаклланиб келган ўзбек халқининг никоҳ ва оилавий муносабатга хос хусусиятларидан бири – ўз насл-насабини давом эттириш, солиҳ фарзандларни тарбиялаш ва вояга етказиш бўлса, иккинчи энг муҳим хусусияти – оила ҳаётининг покликка, софликка асосланишидир. Бу ўринда поклик, софлик кенг маънони ифодалаб, маънавий поклик, ҳалоллик, асл маънодаги тозалик ва покизалик, ўзаро муносабатлардаги тўғрилиқ ва самимият ҳис-туйғуларини ҳам ўз ичига олади. Никоҳ туфайли аёлларда поклик, вафодорлик, садоқат, тозалик, орасталик сингари бурчларни мажбурий қилиб қўйиб, эркакларда жинсий яқинлик одоблари, гигиенаси, зинодан чекиниш, никоҳнинг муқаддаслиги сингари тартибга келтирувчи умумий императивларни шакллантирган. Никоҳ жараёнидаги миллий маросимчилик, ирим-сирим, таомиллар исломий қадриятлар билан уйғунлашиб, никоҳ-покланиш диний маросимларини ташкил этиб,

фориғлантурувчи (катарсис) функцияси; регламентловчи (белгиловчи) функцияси; бошқарувчи функцияси; мулоқот (коммуникатив) функцияси; ижтимоий-императивлик функцияси; рекреатив (дам олиш ва ҳордиқ чиқаришни уюштириш) функцияларини бажариб келган.

Бобнинг «Никоҳ маросимларининг соғлом турмуш эстетикасида намоён бўлиш хусусиятлари» деб номланган учинчи параграфда никоҳ маросимлари ва соғлом турмуш тарзи эстетикаси ўртасидаги алоқадорлик ва узвий боғлиқлик масалалари таҳлил қилинган. Ўзбек никоҳ маросимлари ўзига хос эстетик эволюциянинг натижаси бўлиб, узоқ вақтлардан бери жамиятда «соғломлаштирувчи», «эстетиклаштирувчи» функцияларни бажариб келган. Когнитив белгиларга эга бўлган никоҳ маросимлари кишиларни соғлом турмуш тарзига ўргатиши ва кундалик турмушнинг эстетиклаштириши туфайли ижтимоий ҳаётга парманент таъсир кўрсатиб келган. Бу ўзаро таъсирни белгиларига қараб шартли икки гуруҳга бўлиш мумкин: 1. Соғлом турмуш тарзини яратувчи (валеологик, репродуктив, продуктив), 2. Кишилар ҳаётини эстетиклаштирувчи (ташкилий-рекреатив, этномаданий, педагогик, адаптацион, эвдомонистик) омиллари никоҳ маросимлари эстетик аҳамиятини юзага келтиради.

Никоҳ маросимлари кишиларга дам олиш маданияти, урф-одатларнинг намоёишкороналигини тақдим этиб, маданиятлараро ранг-барангликни вужудга келтирган. Миллий қадрият сифатида тўй, ҳашамларни юзага келтириб, гўзал одатлар таркиб топган. Никоҳ туфайли миллий, айрим пайтда диний тушунчалар халқнинг эстетик онгида шаклланган бўлиб, улар покловчи, тозаловчи, уйғунлаштирувчи, соғломликни таъминловчи, турмушда эстетик воқеликни яратувчи вазифаларни бажарган. Никоҳ маросимлари туфайли жамиятда эркак ва аёл ўртасидаги гендер муносабатлари юзага келиб, эркак аёл концептини шакллантирган, аёл эса эркак жинсининг прототипини шакллантирган. Бу ўзбек халқ дostonларида, назм-навосида акс этган.

Диссертациянинг «**Ўзбек миллий никоҳ маросимларининг ахлоқий-эстетик моҳиятини сақлаш эволюциясида симбиоз ҳолатлар ва ривожлантириш вазифалари**» деб номланган учинчи боби икки қисмдан иборат. «Ўзбек никоҳ маросимларининг ахлоқий-эстетик моҳиятини сақлаш муаммолари ва унинг эволюциясида симбиоз ҳолатлар» деб номланган биринчи параграфда никоҳ маросимлари эволюциясида сақланиш, трансформация ва инновация масалалар кўриб чиқилган. Ўзбек никоҳ маросимларининг ахлоқий-эстетик моҳиятини сақлаш муаммолари ва унинг эволюциясида симбиоз ҳолатлар, фуқаролик жамиятининг ривожланиши шароитида ўзбек миллий никоҳ маросимларининг эстетик қадриятга айлантуриш вазифалари ўрганилади. Никоҳ маросимлари ривожланиш тенденциясининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишга эътибор қаратилиб, бу тизимда юқорида ишлаб чиқилган мезонларнинг қай даражада амал қилаётгани тадқиқ этилади.

Ўзбек никоҳ маросими ва унинг асл моҳиятини ёш авлодга сингдириш, ёшларда нафис дид ҳамда юксак ахлоқий фазилатларни шакллантиришга,

никоҳ туфайли бу икки жинс вакиллариининг бир-бирига бўлган меҳр муҳаббатини мустаҳкамлашга хизмат қилади, никоҳни муқаддаслаштиради. Аҳоли орасида никоҳ маросимларини, урф-одатлар ранг-баранглигини сақлаб қолиш ва тўйнинг сарф-харажатларини ихчамлаштириш борасида меъёр, вақт бўйича мезон ишлаб чиқиши, қатъий регламентни ўрнатиш, қудалар томонларида ижтимоий соғлом муҳитни, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш никоҳнинг ахлоқийлигини сақлаб қолишга объектив асос бўлади. Ўзбек миллий никоҳ маросимларининг ўзига хос таомиллар билан боғлиқ маданиятнинг ўзгариши, ижтимоий-иқтисодий, мафкуравий, диний ва бошқа омиллар таъсирида трансформацияга учраши, шаклланиш ва ривожланиш даврларида симбиоз ҳолатларнинг юзага келиши миллий никоҳ маросимларининг архитектуроникасини вужудга келтирган. Айнан урф-одатлар тизимининг трансформацияси кўшни этнослардан турли таомилларнинг кириб келиши ва уларнинг миллий урф-одатлар тизимида кўшилиши даражаси билан боғлиқ бўлган. Инновацияларни қабул қилишдаги толерантлик нафақат рамс-русмлар ёки таомил қабул қилинган балки, этноснинг ўзбекларга маданий яқинлигига, балки уларнинг муайян ижтимоий қатламга дахлдорлик ҳиссига ҳам боғлиқ бўлган.

Ўзбек никоҳ маросимларининг эстетик жиҳатдан таҳлиллари шуни кўрсатдики, аксарият ҳолатларда маросимлар тартиби деярли ўзгармаган. Бу ҳолат у ёки бу маросимий таомилига бўлган ҳурмат, унинг бир неча асрлик анъаналарни акс эттириши, аждодларнинг нуфузи, ота-боболарининг удумларини муқаддаслаштириш билан ахлоқий императив моҳияти сақланиб қолганлиги ва ташқаридаги инновацион ўзгаришлар «шамоли» эстетик хусусият касб этганлиги билан изоҳлаш мумкин. Ўзбек миллий никоҳ маросимларининг ядроси(ўзак)ни тизимли таҳлил қилиб, мавжуд миллий маросимларни хусусий, этник ёки перифериядан таъсир этган инновацияларга бўлиш мумкин. Вақт ва замонлар ўтиши билан айрим перифериядан келган инновациялар ядрога кўчиб ўтган.

Бобнинг «Фуқаролик жамиятининг ривожланиши шароитида ўзбек миллий никоҳ маросимларини эстетик қадриятга айлантириш вазифалари» деб номланган иккинчи параграфда ҳозирги даврда ўзбек никоҳ маросимларида шаклланаётган янги ижтимоий, этноэстетик ва ташкилий хусусиятлар ҳамда янги удумлар, уларнинг никоҳ маросимлари анъанасига мослиги ва фарқ томонлари таҳлил қилинган. Фуқаролик жамиятида қабул қилинган аҳолининг турмуш тарзини соғломлаштириш, миллатнинг генафондини яхшилаш сингари ҳуқуқий ҳужжатлар никоҳ маросимларининг эстетик қийматини сақлаб қолиб, соғлом турмуш тарзи эстетикасида уйғунлаштирмоқда. Инсоннинг соғлиги ва соғлом наслни яратиш сингари яратувчиликнинг ибтидоси бўлган никоҳ маросимларида айнан шу эзгу қадрият этномаданий асосланади. Ўзбек никоҳ маросимларида фелицитологик мезони, инсоннинг бахтли бўлиши асосий мезон қилиб олинган бўлиб, никоҳланиш севги, совчилик асосида, стереотип асосида бўлмасин миллий қадриятлар никоҳни мустаҳкам бўлишини таъминлаб келган. Ўзбек никоҳ маросимларида бадий композициянинг кўриниши

